



# MILLIY TIKLANISH

24 (241) ● 2013 йил 26 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Юртимизда ҳукм сураётган осуда ҳаёт, фаровон турмуш барчамизнинг, айниқса, фарзандларимизнинг бахти, мамлакатимиз келажагининг асосидир.



Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган хотин-қизлар форумида мустақиллик, истиқлол ва тинчлик мадҳ этилди.



Коровулбозордаги таълим муассасаларида мактаб-махалла-оила-лицей ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани иш фаолиятда ижобий натижалар бермоқда.



## 2 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## 7 ЖАРАЁН

### Хабарлар

#### Интеллектуал мулк давлат ҳимоясида

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдинчи олишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, давлат органлари билан биргаликда ўтказилаётган рейдлар давомида шу йилнинг биринчи чорагида жойларда 150 ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган. Таъкидланганидек, кенг жамоатчилик интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида агентликнинг "Расмий ахборотнома" бюллетени, йиллик ҳисоботлар, ахборот, услубий ва маълумотнома материаллари, "Интеллекст-инфо" илмий-амалий журнали орқали хабардор этилмоқда.

#### МДХнинг энг яхши аэропорти

"Бухоро" халқаро аэропорти "Аэропорт" фуқаро авиацияси ассоциациясининг «МДХ мамлакатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти» йўналишидаги нуфузли муқофотга сазовор бўлди.

"Бухоро" халқаро аэропорти мазкур танловнинг турли номинацияларида бир неча бор иштирок этиб, бешинчи мартабада голибликни қўлга киритмоқда. Бу гал аэропорт «МДХ мамлакатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти» унвонига сазовор бўлди. Сабаби, 2012 йилда "Бухоро" аэропорти юздан беш юз минггача бўлган йўловчиларга хизмат кўрсатган. Бу каби ижобий натижаларга аэропорт хизмат ва бўлини ходимларининг ҳамжихатликдаги меҳнати тўғрисида эришди. Қолаверса, бу ерда халқаро талабларга жавоб берувчи замонавий аэровокзал мажмуаси йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиб келади.

#### Болаларнинг қувончи чексиз

Фарғона вилоятида болаларнинг ёзи дам олишини юксак савияда ташкил этиш, уларнинг таътил кунларини мароқли ўтказиши учун пухта ҳозирлик кўрилди.

Қувасой шаҳридаги "Кимёгар" болалар оромгоҳи вилоятдаги сўлим масканлардан бири. Оромгоҳда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари натижасида ҳудуд янада кўркам тус олди. Айни кунларда бу ерда уч юз нафардан зиёд ўғил-қиз таътилни мароқли ўтказмоқда. Футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, стол тенниси, шахмат ва шашка тўғрисидаги замонавий сузиш ҳаваси ҳамisha гавжум. Болаларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва фестиваллар мунтазам ўтказилмоқда.

### Форум



Партия хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боришини ўзининг асосий мақсади деб билади.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан



## Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

партия Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган хотин-қизлар Форумида мустақиллик, истиқлол ва тинчлик мадҳ этилди

*Энг азиз ва энг улуг байрам Мустақиллик байрами тобора яқинлашиб келаётган айни кезда юртимизнинг турли гўшаларида айём муносабати билан тантаналар бошлаб юборилган. Шаҳару қишлоқлар, вилоят марказлари байрам тараддудида. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон" шиори остида хотин-қизлар Форуми ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, Республика "Хунарманд" уюшмаси масъул ходимлари, хунарманд, касаначи, оилавий тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Форум бахши-шоирлар ҳамда лапарчиларнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари ижроси ҳамда ёш хунармандларнинг халқ бадий ижоди хунармандчилиги маҳсулотлари, миллий анъана ва урф-одатларимиз акс этган миллий либослар кўرғазмаси намойиши билан бошланди.

3-бет

### Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдида

## Жонли ижродаги кўшиқлар фестивали

*Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Terra Group» компанияси билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Марди майдон" жонли ижродаги кўшиқлар фестивали ўтказилди.*

Фестивалнинг очилишида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий эстрада

санъатини янада ривожлантириш, мусиқа оламига кириб келаётган истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан 2011 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган «Марди майдон» жонли ижродаги кўшиқлар фестивали хонандаларнинг ижодий имконияти ва салоҳиятини кўриқдан ўтказиш, бастакор ва шоирлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Марди майдон» лойиҳасида 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор хонандалар эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик хонандалик йўналиши-

да ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Утган йиллар мобайнида мазкур фестиваль доирасида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!», «Дилларда Ватан мадҳи» сингари ўндан ортиқ концерт дастури мусиқа ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинди. Янги истеъдод эгалари кашф этилди. Фестивалда муваффақиятли қатнашган ёш хонандалар умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали концертларда, йирик маданий тадбирларда иштирок этишга мушарраф бўлмоқда.

Фестивалда табаррук Ватанимизни, истиқлолни, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни, беғубор инсоний туйғуларни тараннум этувчи кўшиқлар ижро этилди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза муҳбири

4-бет

### Ҳуқуқий эксперимент


*Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва таклифи билан ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳар бир фуқаро мурожаатига қонунида белгиланган муддатларда жавоб қайтариш, қолаверса, берилган жавоблар, олинган ахборот ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.*

## Қонун лойиҳаси нормалари синови

имкониятлар эшигини очади

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158









# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Сиз азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа  
соҳаси фидойиларини касб байрамингиз —*

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари кўни  
билан муборакбод этади.**



**Сизларга ҳамيشа оилавий бахт,  
куч-қувват, ижодингизга  
барака тилаймиз.**

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



**Муҳтарам Президентимизнинг “Бизнинг миллий хусусиятларимиздан бири, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилишдир. Бу заминда яшайдиган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди, елиб-югуради”, деган фикрлари ҳар биримизга дастурламал бўлмоғи керак.**

## Таълим

# Мактаб – лицей – оила

ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда



етарли. Ёшларимиз ўқишни давом эттиришда йўналиш танлашда қийналишмайди. Касб-хунар коллежи, академик лицейларда ўқувчини қизиқтирадиган барча йўналишлар жорий этилган.

Бошланғич таълим боланинг дунёқараши, диди ва салоҳиятини шакллантирадиган жараён. Бу даврда машғулотларни етук ва тажрибали муаллимлар олиб бориши ўзининг ижобий самарасини беради. Бунга туманимиздаги 8-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати мисолида кўриш мумкин. Бу масканда иқтидорли, изланувчан ўқитувчилар кўпроқ бошланғич таълимга жалб қилинмоқда. Мактаб - оила ҳамкорлигига кенг йўл очилган.

Дарҳақиқат, мактабдан лицейга, касб-хунар коллежига қадам қўяётган ўқувчиларнинг билими текширилганда, уларнинг умумтаълим фанларини яхши ўзлаштиришгани кузатилмоқда. Мактаб, оила, маҳалла, лицей ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, ўқитувчилари орасида тажриба алмаштириш, очик дарслар ташкил этиш ва уни ҳамкорликда таҳлил қилиш, мактаб ва лицейга ота-оналар ва маҳаллани жалб

қилиш, ўқувчилар ўртасида дўстона муносабат ўрнатиш, ўқувчилар ўртасида тест синовларини олиб бориш, лицей ва мактаб психологларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали ўқувчилар билимини оширишга эришяпмиз. Қолаверса, ўқувчилар билан мунтазам суҳбат, учрашув, давра суҳбатлари, олим ва ижодкорлар иштирокида тез-тез мулоқотлар олиб борилмоқда. Лицей ўқитувчиларининг мактабларда дарс ўтишлари, ота-оналар мажлисида иштирок этишлари ҳам фаолиятимизда яхши самара бермоқда. Йил давомида “Очиқ эшиклар” куни ўтказилиб, бунга мактаб ўқитувчилари, ота-оналар тўлиқ жалб қилинмоқда. Шунингдек, ҳар бир академик лицейга ўқувчилар танлов асосида қабул қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, эътибор бола учун энг катта рағбат ҳисобланади. Таълим муассасаларида ўқитувчининг ўқувчига бўлган эътибори мунтазам ортиб бораёпти. Натижада ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқиши, фанларини ўзлаштириши ортшига эришилди. Биз синф, гуруҳ раҳбарларининг масъулиятини



оширишга диққат-эътиборни қаратмоқдамиз. Энг фаол ва билимли ўқувчиларга хомийлар томонидан турли стипендиялар бериб борилиши ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтириб, дарсларни ўзлаштиришда ижобий натижа бермоқда. Масалан, лицейимиз ўқувчиларидан 15 нафари ўқиш ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан ажратилган стипендияни олишга муяссар бўлишди. Шунингдек, завод маъмурияти синф хоналари, ошхона, ётоқхоналарни замонавий жиҳозлар билан таъминлашга ёрдам бермоқда. Лицейимизда таълим бериш учун барча имкониятлар мавжуд. Яъни пухта билимга эга, жонқуяр, фидойи, тажрибали ўқитувчилар бор. “Тил билган — эл билади”, деганларидек лицейда нафақат она тили, балки рус ва инглиз тилини ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Дарс жараёнида ўқитувчиларимиз лингафон,

кодокоп, компьютерлардан тўлиқ фойдаланадилар. Компьютерлар “ZiyoNet” интернет тармоғи уланган бўлиб, аниқ фанлардан сиртки олимпиадалар ўтказилиб турилади. Лицейдаги ўқувчиларимиз республика, халқаро олимпиадаларда иштирок этишмоқда. Бу албатта, ўқитувчиларимизнинг самарали меҳнати натижасидир. Мактаб — маҳалла — оила — лицей ҳамкорлигини йўлга қўйганимиз, фаолиятимизда ижобий ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Таълимнинг узвий ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида академик лицей қошида ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилган. Мактабда ўқувчилар аниқ ва табиий фанлар йўналишида таълим олади. Математика, физика, информатика, биология, кимё, инглиз тили, рус тили ва адабиёт фанлари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўтилади. Қисқа фурсатда мактаб ўқувчилари қатор ютуқларга эришиб, рес-

публика миқёсидаги турли беллашув, кўрик-танлов ва фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришмоқда. Мактабда маънавий-маърифий ва спорт ишларининг яхши ташкил этилгани боис ўқувчилар Республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Академик лицей ўқитувчилари белгиланган режа асосида мактабда намунали очик дарслар ўтадилар. Мактаб ўқувчилари билан давра суҳбатлари, тадбирлар, мушоиралар ўтказиб турилади. Лицейда бўладиган давра суҳбати, адабий кеча, кўрик-танловларга, шунингдек, “Очиқ эшиклар” кунига мактаб ўқувчилари тўлиқ жалб қилинади. Бундан ташқари лицей ўқитувчилари мактаб ўқувчиларидан белгиланган режа асосида тест синовлари олиб, таҳлил қилиб борадилар. Аниқланган бўшлиқлар юзасидан ўқувчиларга қўшимча машғулотлар олиб борадилар. Бу эса лицей ва мактаб ўқитувчисининг ҳамкорлиги ҳамда ўқувчини ҳам руҳан, ҳам маънан лицейга тайёрлаб боришнинг бир мезонидир. Сўнгра ихтисослаштирилган мактаб битирувчилари йўналишлари бўйича академик лицейда ўқишни давом эттирадилар.

Ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурда академик лицей, касб-хунар коллежлари очилган ва шу муассаса унга бириктирилган. Шунингдек, ҳар бир академик лицей ҳузурда ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилса, ўқувчилар билим сифати ошади. Вақти-вақти билан академик лицей ўқувчилари мактаб педагогларига амалий ёрдам бериб бораётгани, бу мактаб — лицей ҳамкорлигини янада ривожлантирмоқда.

**Манзура САЙДАҲМЕДОВА,**  
Бухоро Муҳандислик  
технологиялари институти  
қошидаги 2-сон  
Коровулбозор академик  
лицей директори, УЗМТДПдан  
сайланган халқ депутатлари  
Коровулбозор туман  
Кенгаши депутати

## “MAGNUM MEDICAL SERVIS” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Азиз журналистлар, муҳтарам  
нашриёт ва матбаа соҳаси  
жонкуярлари Сизни*

**Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари куни**

*билан самимий қутлаймиз.*

*Эзгу ниятлар билан амалга ошираётган  
ишларингизда доим омад ёр бўлсин!*



Ҳақиқий олимлар бугдойзордаги бошоқларга ўхшайди. Ҳали бошоқ тўлишмай туриб, наъбу намо билан ўсади ва юқорига мағрур бўй чўзади, аммо у кўпчиб, донга тўлишиб, пишиб етилгани сари ювош тортиб, бошини куйи эгади.


М.Монтень

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Эти ҳам, пўчоғи ҳам даво

Тарвуз таркибида 13 фоиз канд, оксил моддалар, пектин, крахмал, органик кислоталар, С, В1, В2, В6 РР, С каби дармон-дорилар бор. Шу билан бирга аминокислоталар, кальций, магний, калий, фосфор, темир, натрий сингари маъданларга ҳам бой. Тарвуз уруғида 40 фоиз мой, 35 фоизгача оксил моддалар, алколоидлар, фито стерин, каротин ва бошқа моддалар мавжуд. Мевасининг «гўшти» қисмида 80 фоизгача сув бўлади.

Халқ табобатида тарвуз парҳез сифатида кенг қўлланилади. Унинг пешоб ҳайдовчи, захарга қарши, қувват бахш этувчи, таом ҳазми яхшилайдиган, иштаҳани очадиган хосияти бор. Тарвуз сил, ич терлама (корин тифи), сариқ, ичбуруғ, юрак, буйрак, жигар касалликларида тавсия этилади. Майдаланган уруғи буйрак-тош ва ўт пуфағида тош бўлганда фойда қилади. Уруғидан тайёрланган дори офтобдан куйганда ишлатилади. Унинг пўчоғи эса қовуқдаги ва ўт пуфағидаги тошни нуратишда яхши омилдир. Илмий табобатда тарвуз бўғим, газак, подагра, паришонхотирликни даволаш мақсадида буюрилади. Ичак фаолиятига самарали таъсир қилиб, холестеринни чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Бирок, тарвузни кўп истеъмол қилиш ёш болаларга, буйрак хасталикларига (нефроз, пиело-нефрит) чалинган инсонларга тавсия этилмайди.



## БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг катта китоб Амстердам музейларидан бирида сақланади. Бу китоб «Денгиз қондалари тўплами» деб номланган. Китобнинг эни бир метр, калинлиги ярим метр, узунасига эса ўрта бўйли кишидан ҳам баланд.

«Апокалипсис» китоби дунёдаги энг қimmatбаҳо китоблар сирасига киради. Эски пул бирлигида 100 миллион франк турувчи бу китобнинг оғирлиги 120 килограмм бўлиб, ҳозирда Париж замонавий санъат музейида сақланмоқда.

## ТУРФА ОЛАМ

## Телефон-қўлқоп

**БРИТАНИЯЛИК ДИЗАЙНЕР ШОН МАЙЛЗ О2 УЯЛИ АЛОҚА КОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА МОБИЛ ТЕЛЕФОН ГАРНИТУРАСИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ҚЎЛҚОП ЯСАДИ.**

Қўлқопнинг бош бармоғига микрофон, жимжилоғига эса динамик ўрнатилган. Уни блутус орқали смартфонга улаш ва бармоқларни гўшак кўринишида букиш орқали телефонда истаганча сўзлашиш мумкин. Дизайнер телефон-қўлқопни ясашда истеъмолдан чиққан электрон мослама ва материаллардан фойдаланган. Қўлқопга келсак, Miu Miu ва Pineider брендлари коллекцияси орасидан танлаб олинган.



## Этна бутунжаҳон меросига айланди

**МАЗКУР ВУЛҚОН ҲАМКОРЛИГИ УЙФОҚЛИГИ, ЖОЗИБАСИ ВА МАШҲУРЛИГИ БИЛАН ФАҲРИЙ РЎЙХАТДАН ЖОЙ ОЛГАН.**

Этна вулкони Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан сўнгги ўн йилликлар ичида энг фаол вулқон, дея эътироф этилиши ана шу рўйхатга кириш учун асос бўлди. Айтиш жоизки, Этна бундан бир ой олдин ана шу рўйхатдан жой олиши маълум қилинган. Бирок, ЮНЕСКО уни расман июнь ойида тан олди. Этна Европадаги энг баланд ҳаракатдаги вулқондир. Вулқон чўққиси 3,3 минг метргача етади. Сўнгги пайтда вулқон тез-тез отилаётгани кузатилмоқда. Унинг сўнгги отилиши баҳор ойларига тўғри келган.



Сафар МУҲАММАД тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош ҳисобчиси Шоира Зуфаровага онаси

Жўраҳон ая ЭРМАТОВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# “АСАКА” ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ) ЖАМОАСИ

*Барча журналист, матбаачи ва нашриёт  
ходимларини касб байрамлари  
билан самимий табриклайди.*

*2013 йил — Обод турмуш йилида  
ўз бизнес ва тадбиркорлик  
фаолиятини йўлга  
қўймоқчи бўлган  
юртдошларимизни  
ҳамкорликка чорлайди!*

**БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Реклама

## Замонавий, тезкор ва қулай

Айни пайтда «Микрокредитбанк» икки тизим — «Off-line» ва «On-line» тизимлари орқали мижозларга пластик карточкалар бўйича хизматлар кўрсатиб келаяпти. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш мақсадида Банк томонидан 2013 йил 1 июнь ҳолатига кўра муомалага чиқарилган пластик карточкалар 490,9 минг донани ташкил этади. Улар орқали Тўлов терминалларидан республика ҳудудида бажарилган амалиётларнинг умумий ҳажми 246,5 млрд. сўмдан ортди. 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатига пластик карточкалар ҳисоб варақларидаги қолдиқлар 44,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 маротабага ортган. Шунингдек, банк омонатларининг жами йиғиндисига нисбатан пластик карточка қолдиқлари салмоғи 55,2 фоизни ташкил этмоқда. Пластик



карточкалар фойдаланувчиси бўлган мижозлар сони кескин кўпайганлигини ҳисобга олиб, банк карточка бизнесини ривожлантириш, уларга хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ривожлантиришга ҳам катта маблағлар ажратишни давом эттирди. Жумладан, 2013 йилда қўшимча 2 000 дона терми-

наллар харид қилинган бўлиб, натижада уларнинг умумий сони 7 123 донани ташкил этди. Банк филиаллари томонидан 10 дона банкومات ва 23 дона инфокиоскалар орқали ҳам мижозларга турли хил хизматлар кўрсатилмоқда. Бу терминаллар турли ҳўжалик юритувчи субъектларга ўрнатилган бўлиб, улар

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, супермаркетлар, савдо дўконлари, дорихоналар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқалардир. Банк терминаллари орқали айланган маблағлар суммаси 2013 йил 1 июнь ҳолатига 322,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 маротабага ортди. Мижозларга замонавий, қулай ва хавфсиз банк хизматларини кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юридик шахслар учун «Банк-мижоз», «SMS-банкнинг», «Интернет-банкнинг» ҳамда жисмоний шахслар учун «SMS-хабарлаш», «Омонат-СМС», «СМС-Тўлов», «Мобил-банкнинг» ва «Интернет-банкнинг» каби масофавий интерактив хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Алим ЭШПҮЛАТОВ



*Бугунги кунда молия муассасалари республикамизда амалга оширилётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Юртбошимиз раҳнамоллигида бозор иқтисодиётига утишинг ўзига хос йўли танлаиб, банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сўбасидаги ўрнини мустақамлаш, аҳоли омонатларини кафолатли сақлаш, пластик карточкалар бўйича хизматларни кенгайтириш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилайётгани ўз самарасини бермоқда.*



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБҲОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувор НАЖБИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САҒОЕВ

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 619, Адади — 10501. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

**Навбатчи муҳаррир:** Камолитдин ҲОТАМОВ**Навбатчи:** Шоҳида ДАМАНОВА**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ**Электрон почта:** e-mail: milliy@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Топширилди — 22.50.

ISSN 2010-7714